125 796

САМАРҚАНД. Қадимий шаҳарда истиқомат қилиб турган инглиз фуқаролари, эрхотин Энн Вустоун ва Грэм Рей ўз ҳовлисида маҳаллий мусаввир Алексей Шчербаков асарлари кўргазмасини уюштириб, саховат кўрсатди. Челак туманидаги

САХОВАТ ВА ҲИММАТ

"Бахт" хусусий фирмасида эса етти ака-ука Пўлатовлар ҳиммат қилишди. Улар янги ўқув мавсуми бошланишига муносиб совға тайёрлаш учун стол-стул, парта, доска каби жиҳозларни тез ва сифатли тайёрлаб беришмоқчи.

Фармон ТОШЕВ.

ҚАШҚАДАРЁ. *Шаҳрисабздаги қадимий бозорни Соҳибқирон таваллуди муносабати билан таъмирлаб, кенгайтиришга қарор қилинди. Бозор энди бир йўла 1,8 минг квадрат метрли саҳнга эга*

ШАҲРИСАБЗ БОЗОРИ КЕНГАЙМОҚДА

бўлади. Иккита янги раста барпо этилади. Янги дарвоза, савдо дўконлари қурилмоқда. Бозорга янги йўл солиняпти. Машиналар тўхташи учун алоҳида майдон ҳозирланмоқда.

Юнус УЗОҚОВ.

СЎНГГИ СОАТДА

янгиликлар, воқеалар, хабарлар

БУХОРО. "Бухоро-зардўз" ҳиссадорлик жамиятининг бадиий буюмлар ишлаб чиқариш цехи чеварлари Истиқлол байрамига атаб "Мустақиллик" тўнлари тайёрлашни якунладилар. "Бундай тўн-

"МУСТАҚИЛЛИК" ТЎНЛАРИ

лардан ташқари яна 10 хилдан зиёд маҳсулотни байрамга туҳфа қиламиз", — дейди бош наққош Нигора Тўхтаева.

Даврон БАҲРОНОВ.

НАВОИЙ. *Вилоят матлубот ҳиссадорлик жамиятлари уюшмасига қарашли "Матлуботчи" оромгоҳида 100 нафардан кўпроқ ўқувчи дам олмоқда. Нурота тизма тоғлари, Сармиш чашмасига яқин бўлган "Зим" даҳасида жойлашган бу оромгоҳ соя-салқинлиги билан ажралиб туради. "Бу ерда ўтган йили*

ОРОМГОҲДА БОЛАЛАР ҒУЖҒОН

ҳам 100 нафар бола ҳордиқ чиқарган эди, — дейди вилоят матлубот жамияти бошқаруви раиси Р. Шарипов. — Ҳозир оромгоҳда Қизилтепа, Конимех, Нурота ва Навбаҳор туманларидан келган ёшлар дам олишяпти".

Музаффар ШАРОПОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 20 июль, шанба № 92 (22.013).

Газета 1918 йил 21 июндан чика бошлаган

«ЎЗДЭУАВТО» — ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН АФСОНА





СУРАТЛАРДА: қўшма корхона очилиши тантаналаридан лавҳалар.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

Мустақиллик шарофати билан, мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг натижаси ўлароқ, Андижон вилоятида жуда қисқа вақтда улкан замонавий автомобиль заводи — «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси қуриб битказилди. Шу муносабат билан Асакада мазкур қўшма корхонанинг расман очилишига бағишланган халқаро тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг тегишли вазирликлари, уюшмалари, концернлари ва корхоналари раҳбарлари, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, дипломатик корпус вакиллари, Корея Республикасидан ташриф буюрган кўплаб меҳмонлар, хорижий ва республикамиз матбуоти вакиллари иштирок этди.

Маросимни Андижон вилоят ҳокими Қ. Обидов очди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов маросимда нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари завод бунёдкорларини, инженер ва мутахассисларини, қурилишга бошқош бўлган «ДЭУ» корпорацияси мутасаддиларини, Кореядан келган меҳмонларни — барча маросим қатнашчиларини улкан му-

(Давоми 2-бетда).

ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

Асакада бошланган тантаналар куннинг иккинчи ярмида Ватанимиз пойтахтида давом этди. Тошкентнинг Халқлар дўстлиги саройида ана шу муҳим воқеа муносабати билан юртимизга келган кореялик меҳмонлар, пойтахт жамоатчилиги вакиллари, дипломатия корпуси ва зиёлилар жам бўлдилар.

Қўлларида Ўзбекистон ва Корея Республикаси байроқларини тутган томошабинлар қарсаклари остида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов, Корея Республикасининг сиёсий ишлар бўйича биринчи вазири Ким Ток Ленг ва бошқа расмий кишилар залдан жой оладилар.

Халқлар дўстлиги, ҳамкорлиги — бетакрор мўъжизалар яратишга қодир. Асакада Ўзбекистон ва кореялик шериклар ҳамкорлигида қисқа муддатда ишга тушган завод бунинг ёрқин далили бўлди. Ана шу боис 19 июль Ўзбекистон — Корея дўстлиги кунига айланиб кетди.

Саҳна четида ўрнатилган улкан экранда Корея Республикаси Президентининг Ватанимизга, Ўзбекистон Президентининг «Субҳидам бокиралиги ўлкаси»га ташрифлари чоғида суратга олинган видеолавҳалар намойиш этилди. Сунгра йиғилганлар Корея Республикаси Президенти Ким Ен Самнинг, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг видеотабрикларини кўрдилар. Президентлар ўз табрикларида икки мамлакат ҳамкорлиги катта самаралар бераётганини, «ЎзДЭУавто» заводи ана шу самаралардан бири эканини таъкидладилар. Икки мамлакат халқларини, жумладан тантана иштирокчиларини муҳим воқеа билан табрик этдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Корея Республикаси санъаткорлари иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АСАКАДАГИ «ЎЗДЭУАВТО» ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ РАСМИЙ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Ким Ток Ленг жаноблари!

Муҳтарам Ким У Жун жаноблари!

Жаноблар ва хонимлар!

Азиз қурувчилар, муҳандислар, мутахассислар, янги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг жамоаси!

Ватандошларим, дўстларим!

Бугун биз ҳаммамиз катта тарихий воқеага гувоҳ бўлиб турибмиз. Бугун Ўзбекистон халқи интизор бўлиб кутган муборак кун — мамлакатимиздаги илк автомобиль заводининг очилиши — тантана кунлари етиб келди.

Фарғона водийси — Оллоҳ таолонинг назари тушган гўзал бир маскандир. Андижон вилояти эса бу гўзал водийнинг юрагида жойлашган. Бу муқаддас юртда буюк темурий бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган, бошқа не-не алломалар, шоирлар ва меъморлар етишиб чиққан ва қадимий Туркистон — бугунги Ўзбекистон шуҳратини ёруғ оламга ёйган. Бу ерда мард ва танти, кўнгли кенг, имони бақувват, инсофли ва диёнатли ажойиб инсонлар яшайди.

Ана шундай инсонлар билан бугунги қутлуғ кунда юз кўришиб турганимдан ғоят бахтиёр эканимни изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Азиз дўстлар!

Ҳар қайси давлат, жамият ўз келажагини қураётганда, ўз олдига қўйган юксак марраларга кўтарилишда ҳал қилувчи, муҳим босқичлардан, иқтисодиётида туб бурилиш ясайдиган поғоналардан ўтиши табиийдир.

Беш йил олдин озод ва обод ватан, демократик давлат, янги жамият, эркин иқтисод қуриш йўлини танлаб олдик. Жаҳон илғор тажрибасига ва миллий анъаналаримизга, меҳнатсевар халқимизнинг кучига суяниб-таяниб фаровон ҳаётга эришиш учун аваламбор иқтисодимизни эски, бир ёқлама, қотиб қолган ҳолатдан янги босқичга кўтариш мақсадини олдимизга қўйдик.

Бошқаларга ўхшаб енгил йўлни қидирмадик. Қандай оғир бўлмасин, узоқни кўзлаб, келажаги буюк давлатимизнинг пойдеворини яратиш учун тараққий топган, обрўли мамлакат, жаҳонда машҳур фирма, компаниялар ва ишбилармонлар билан мустаҳкам, манфаатли алоқа боғладик, замонавий, ўзгалар ҳавас қиладиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар барпо этишга киришдик.

Мана энди, бир вақт халқимизнинг бошлаган саъй-ҳаракатлари ўз ҳосилини бера бошлади.

Бугун нафақат Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақасида, балки собиқ Иттифоқ миқёсида ҳам бутунлай янги завод — қўшма корхона ишга тушиши, тарихимизда илк бор замонавий, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган енгил машиналар — автомобиллар ишлаб чиқарилиши — бунинг ўзи биз танлаган сиёсатнинг тамал тоши, десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Мисли кўрилмаган қисқа муддатларда шундай ҳашаматли биноларни қуриш, бутун дунёга машҳур давлатлар, компаниялар ва фирмалардан замонавий ускуналарни, автоматларни олиб келиб, илғор стандартларга жавоб берадиган технологияларни ўрнатиш, ўзимизнинг фарзандларимизни Жанубий Корея давлатида янги касбларга ўргатиш, шундай мураккаб технологияларни ўзлаштириш, чиндан ҳам, ҳар кимнинг қўлидан келмайдиган катта шарафли синов, десак ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бундай улкан масалаларни ечиш, бугунги барчамиз иштирок қилаётган марраларга етиб келиш учун — албатта нафақат бу қурилишнинг бошида турган лойиҳачилар, иқтисодчилар, қурувчилар, монтажчилар — ишнинг негизини билган мутахассислар, муҳандислар, мана шу мўъжизани барпо этган ишчиларимиз, раҳбарларимиз, нафақат Андижон, Асака мўътабар заминида яшаётган ўғлонлар, балким бутун Ўзбекистон иқтисоди ва унинг имкониятлари каттакатта синовлардан муносиб ўтди, десак айни ҳақиқатни гапирган бўлардик.

Мен катта мамнуният билан яна бир бор мана шу мўъжизани ташкил қилган инсонларимизни — замондошларимизни, мардонавор хизмат қилган ишчи ва меҳнатчиларни чин қалбимдан табриклаб, тасаннолар айтмоқчиман! Ҳаммангизни бағримга маҳкам босиб, хурсандлигимни билдирмоқчиман!

Азиз дўстларим!

Албатта, буни барчамиз яхши тушунамиз: бундай юкни кўтариш, шундай заводни ишга тушириш ҳеч қачон ёрдамсиз бўлмас эди.

Яратганимизга минг тасаннолар бўлсинким, уч йил олдин тақдир бизни Корея мамлакати, нафақат Кореяда, балки жаҳонда ҳам машҳур ДЭУ корпорацияси раҳбарлари ва унинг президенти Ким У Жун жаноблари билан учраштирди.

Бир-биримизни яхши тушундик, бир-биримизга ишондик ва ҳамкорлигимиз натижасида мана шу завод ва бошқа қатор-қатор лойиҳалар амалда рўёбга чиқди.

Халқимиз номидан, Ўзбекистонимиз номидан Корея Республикаси халқига, унинг раҳбариятига, Президент Ким Ен Сам жаноби олийларига, ДЭУ компанияси президенти Ким У Жун жаноблари ва унинг ёрдамчиларига, мана шу проект-лойиҳа иштирокчиларига, корейс мутахассисларига, ишчилари ва муҳандисларига алоҳида табригимизни, миннатдорлигимизни Сизнинг номингиздан билдирмоқчиман!

Ва мажлисимизда иштирок қилаётган Корея Республикасининг сиёсий ишлар бўйича биринчи вазири Ким Ток Ленг жанобларидан сўраймиз — бизнинг миннатдорлигимизни Корея Республикаси раҳбариятига ва унинг халқига етказсинлар.

Азиз меҳмонлар!

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Қурилган автомобиль заводи, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси, унинг аҳамияти ҳақида гапирар эканмиз, аваламбор, қуйидаги фикр-хулосаларни кўзда тутамиз:

Биринчи навбатда. Ишга тушган завод, унинг қурилиш суръатлари, техник даражаси замонавий жаҳон талабларига жавоб бериши — бунинг ўзи яна бир бор Ўзбекистон танлаб олган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар йўли—модели тўғрилигининг яққол исботи ва тасдиғидир.

Иккинчидан. Бу воқеа Ўзбекистоннинг катта салоҳиятидан, имкониятларидан дарак беради.

Ўзимизнинг юртимизда ҳам, узоқ ва яқин қўшниларимиз ҳам яхши тушунадики, бундай улкан заводни қуриш учун нафақат иқтисодий ва молиявий имкониятларга, балким катта маънавий қудратга, қолаверса, катта юракка ҳам эга бўлиш керак.

Шу жумладан, бундай корхонани қуриш, замонавий технологияларни ўзлаштириш, мана шундай заводнинг ишлаб туришини ташкил қилиш учун шунга жавоб бера оладиган малакали ишчи кучига, юксак даражадаги муҳандислик интеллектуал савияга эга бўлиш керак.

Бир сўз билан, лўнда қилиб айтганда, бу янги заводнинг ишга тушиши эл-юртимизнинг юксак савияси ва қудратидан далолатдир.

Учинчидан. Бундай буюк, жуда катта маблағ талаб қиладиган иншоот қурилиши бизга шерик хорижий давлат фирма ва компанияларининг, жаҳонда энг нуфузли молиявий тузилмаларнинг, банкларнинг Ўзбекистонга билдирган катта ишончининг тасдиғи, деб билишимиз керак.

Айни замонда автомобиль чиқариб ўзини оқлаётган мана шу завод, Ўзбекистоннинг ўзига билдирилган ҳар қандай ишончни оқлашга, ҳар қандай мураккаб, улкан лойиҳаларни ҳам охирига — пировардига етказишга қурби етади, деган хулосанинг тасдиғидир.

Яъни бугун Ўзбекистон бозорига интилаётган чет — хориж мамлакатлардаги янги-янги саноатдорлар ҳам мана шу мисолда ҳар қандай шубҳа ва гумонлардан халос бўлиши муқаррар.

Тўртинчидан. Шубҳа йўққи, Асакада ишга тушаётган завод ва бу заводни бутлов қисмлари билан таъминлаш мақсадида қурилаётган янги-янги йирик, ўрта ва кичик корхоналар, аваламбор, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга хизмат қилади, одамларимизнинг келажакка ишончини мустаҳкамлайди.

Бешинчидан. Асака заводи ишга тушиши нафақат Андижон вилоятида, балки Ўзбекистонда ва унга узоқ-яқин қўшни минтақаларда пайдо бўлаётган ишлаб чиқариш ва таъминот инфраструктурасини — корхоналарини яратади. Бош завод, унинг атрофида вужудга келаётган янги корхона ва ташкилотлар Ўзбекистонни жаҳондаги автомобиль ишлаб чиқарадиган 28 ривожланган мамлакат қаторига — сафига киритиш билан бирга, бутун иқтисодимизни, унинг савиясини, ишлаб чиқараётган ялпи ички маҳсулот ҳажмини янги, юксак погонага кўтаради.

Бундан хулоса шуки, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишидан, унинг ишлаб чиқарадиган маҳсулотидан, оладиган фойдасидан нафақат шу тармоқда ишлайдиган кишилар ва уларнинг оилалари, балки Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро қўшимча фойда ва даромад топажак. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Азиз дўстлар!

Биз ҳаммамиз яхши англаймизки, ҳаётимизда бўлаётган ижобий ўзгаришлар, мана шу заводнинг, Асака заводининг ишга тушиши ва шу билан боғлиқ бўлган катта умид ва режаларимиз, аввалambор, юртимизда ҳукм сураётган ва биз кўз қорачиғидай асраб-авайлайдиган тинчлик ва тотувликка, Ўзбекистон заминида яшаётган миллатларнинг ўзаро бирлигига, якдиллигига боғлиқдир. Бу буюк ҳақиқатни бугун ҳар қайси фуқаро яхши тушуниб олди.

Биз яшаётган ва меҳнат қилаётган жамоа қанчалик аҳил ва тотув бўлса, ҳар қайси хонадонда ва оилада ўзаро келишиб, муросаю мадора қилиб, бир ёқадан бош чиқариб яшайдиган бўлсак, тинч ва осойиш ҳаётнинг қадрига етиб, белимизни маҳкам боғлаб, Ватанимизнинг буюк келажагига бутун вужудимизни, бутун борлиғимизни бахш этиб ишласак — ҳар қандай юксак марра ҳам бизники!

Бир вақтлар мен катта умидлар билан: «Қани энди, бизнинг юртимизда ҳам ўзбек йигит-қизлари, Ўзбекистон фуқаролари бошқа тараққий топган давлат ва минтақалардагига ўхшаб, улардан ҳеч кам бўлмасдан, мана шундай замонавий енгил машиналарни бемалол миниб юрса!» деб ҳавас қилар эдим.

Беш-уч йил олдин бундай ҳавас-умид ўзгалар у ёқда турсин, кўпчилик аҳолимизга ҳам афсонадай туюларди.

Мана энди ана шу пок ва холисона ниятларимиз Оллоҳнинг инояти, марҳамати билан рўёбга чиқди.

Иншолло, барча эзгу ниятларимизнинг ижобат бўлишида ҳам Яратганнинг ўзи мададкор бўлгай!

Ҳаммангизни яна бир бор чин қалбимдан бугунги тантана — хурсандчилик билан табриклайман, азиз дўстларим, юртдошларим!

МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА УЧРАШУВ

18 июль куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Фридрих Эберт номли жамғарманинг МДҲ мамлакатлари бўйича мувофиқлаштирувчиси д-р Альфред Дибольд, унинг илтимосига кўра, қабул қилинди. Бу жамғарма мустақил маданий жамоат ташкилоти бўлиб, у Германия Социал-демократик партиясига яқин туради.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонга Ўзбекистон ХДПнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни, унинг Президент И. А. Каримов бошчилигида юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлардаги иштироки ва яқин истиқболдаги вазифалари ҳақида сўзлаб берди.

Самимий вазиятда ўтган суҳбатда Ўзбекистон ХДП билан Фридрих Эберт номли жамғарма ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан ўзаро фикр алмашилинди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП МК котиби Ҳ. Авезов ҳозир бўлди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази

АНДИЖОНДА СЕРВИЗ МАРКАЗИ

Мустақил мамлакатимизда автомобилсозликнинг қарор топиши кенг тармоқли сервиз хизмати ташкил этишни тақозо этди. «ЎзДЭУавто»да тайёрланган автомобилларга техник хизмат кўрсатишга ҳам эътибор берилмоқда. Андижон шаҳридаги «Автотеххизмат» шохобчаси бундай вазифани уддалашга мослаштирилди.

Қатор қурилиш-монтаж ташкилотларининг жадал ҳаракати билан «Автотеххизмат» биноси қисқа муддатда замонавий усулда жиҳозланди. «Сервиз маркази» барпо этилди. «Асакабанк» бўлими ҳам шу ерга жойлашди. Малакали кадрлар тайёрланди. Эндиликда «ЎзДЭУавто» автомобилларини сотиб олувчиларга қулай сервиз хизмати кўрсатиш учун шароитлар яратилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗДЭУАВТО» — ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН АФСОНА

(Давоми. Боши 1-бетда.).

ваффақият билан қутлаб, жумладан, шундай деди:

— Биз иқтисодиётимизни ислоҳ қилишни, унда таркибий ўзгаришларни амалга оширишни режалаштирар эканмиз, енгил йўлни қидирмадик. Ўтиш даврининг мураккабликларига қарамасдан улкан-улкан иншоотлар бунёд этишга киришдик. Ана шу қурилишлардан бири бугун тантанали равишда ишга туширилаётган «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасидир. Мана шу заводнинг ўзиёқ биз оғир йилларнинг катта синовидан нечоғлик муваффақият билан ўтганимизни кўрсатиб турибди. Мазкур корхона ўзбек ва корейс халқлари дўстлиги, амалий ҳамкорлиги рамзидир. Қолаверса, якдил ва тотув бўлган халқ нималарга қодирлиги ҳам мана шу автомобиль заводи мисолида яққол намоён бўлди.

Куни кеча мамлакатимиз Президентининг Фармонига биноан «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасини бунёд этишда фаол иштирок этган, Ўзбекистон-Жанубий Корея иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришга, ўзбек-корейс халқлари дўстлигини янада мустаҳкамлаш ишига салмоқли ҳисса қўшган бир гуруҳ Ўзбекистон ва Жанубий Корея фуқаролари Ватанимизнинг юксак орден ва медаллари, Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган эди. Ислом Каримов йиғилганларнинг қизғин олқишлари остида «ДЭУ» гуруҳи раиси Ким У Жунга «Дўстлик» орденини, ДЭУ президенти ва «ЎзДЭУавто» компанияси раиси Ли Кван Кига «Шуҳрат» медалини ва кореялик бошқа мукофотланганларга Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиқларини топширди.

Маросимда Корея Республикаси Президентининг махсус вакили, Корея Республикасининг сиёсий ишлар бўйича биринчи вазири Ким Ток Ленг сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди: Сизларни «ЎзДЭУавто» автомобиль заводининг ишга туширилиши муносабати билан самимий табриклайман. Йилига 200 мингта автомашина ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бу улкан заводнинг қурилиши 1992 йилда мамлакатларимиз ўртасида ўрнатилган дипломатик муносабатлар ҳамда мустаҳкамланиб бораётган ўзаро ҳамкорлик алоқалари самарасидир. Мен бу воқеани икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада юксалтиришга қўшилган муносиб ҳисса деб баҳолайман. Уни барпо этишда қўшимча 11 та фирма жалб этилгани Корея фирмаларини бу ишда яна ҳам кўпроқ қатнашишга ундайди. Марказий Осиёда биринчи автомобиль заводини барпо этишда қатнашган барча кишиларни яна бир бор қизғин табриклайман.

Маросим сўнггида йиғилганларни тарихий воқеа билан яна бир бор қутлаган Президент Ислом Каримов бу ишда бизга елкадош бўлган корейс биродарларимизга, бутун корейс халқига чин қалбдан миннатдорлик билдирсак арзийди, деди. — Халқимиз дилида бўлган ана шу самимий туйғуларни жаноб Ким Ток Ленг Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам жанобларига, барча ватандошларига етказади деб ишонаман!

Ислом Каримов, Ким Ток Ленг ва Ким У Жун рамзий лентани қирқадилар. Завод расман очиқ деб эълон қилинади.

«ЎзДЭУавто» қарийб 150 минг квадрат метр майдонни эгаллайди. Тақдимот маросими қатнашчилари замонавий корхонанинг фаолияти билан танишдилар. Маҳобатли қолиплаш, пайвандлаш, йиғув цехларида бўлиб, «ақлли» машиналарнинг иш жараёнини кўздан кечирдилар. Кореяда ўқиб келган 2 мингдан зиёд ўзбекистонлик ёшларнинг дўст мамлакат мутахассислари билан елкама-елка ишлаётганининг гувоҳи бўлдилар. Ишлаб чиқариш конвейеридан чиқиб келаётган бир-биридан гўзал «Тико», «Дамас» ва «Нексиа» машиналарини кўриб ҳайратга тушдилар. Бу чин маънода афсонанинг ҳақиқатга айланиши эди.

Тақдимот маросимидан сўнг Президент Ислом Каримов, Корея Республикасининг сиёсий ишлар бўйича биринчи вазири Ким Ток Ленг, «ДЭУ» гуруҳи раиси Ким У Жун журналистлар билан учрашдилар.

— Ишга туширилган мазкур иншоотнинг аҳамияти ниҳоятда улкандир, — деди Президент Ислом Каримов матбуот конференцияси иштирокчиларига мурожаат этаркан. — Ташкилий ишлар учун кетган вақтни ҳам қўшиб ҳисоблаганда икки ярим йил мобайнида Ўзбекистонда икки турдаги енгил машина ва микроавтобус чиқарадиган, мураккаб автоматлаштирилган линия ва ускуналарга эга бўлган, жаҳон андозалари билан рақобатлаша оладиган технологияга асосланган завод бунёд этилди. Бу мамлакатимизнинг улкан имкониятлари ва салоҳиятидан дарак берувчи, Ўзбекистон танлаган модель ва ислоҳотлар йўлининг тўғрилигини яна бир карра исботловчи, собиқ Иттифоқ ҳудудини қамраб олган иқтисодий бўҳрондан тезлик билан чиқа олганимизни кўрсатувчи воқеадир. Бу сифат жиҳатидан мутлақо янги ишлаб чиқаришни шакллантириш, ҳом ашё тайёрлашдан рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтишдаги дадил қадам, таъбир жоиз бўлса, иқтисодиётимиздаги улкан бурилиш нуқтаси бўлди, десак хато қилмаймиз.

— Корея Республикаси жаҳондаги ўнта ривожланган мамлакат сирасига киради,— деди Ислом Каримов кореялик мухбирнинг, нега Сиз ҳамкор сифатида айнан «ДЭУ» корпорациясини танладингиз, деган саволига жавоб берар экан.— Бизни аввало мамлакатингизнинг саноати ривожлангани қизиқтирди. Ўзбекистон эса табиий ресурсларга жуда бой. Мана шу икки қутб бирлаштирилса, улкан натижаларга эришиш мумкин. Қолаверса, корейс халқининг табиатини ўрганишга ҳожат йўқ эди. Биз бу миллат вакиллари билан ўз диёримизда анчадан буён бир оила фарзандларидек яшаб келамиз. Корея Республикаси билан иқтисодий алоқаларимизнинг ривожланишида ана шу жиҳатлар асосий омил бўлган бўлса ажаб эмас.

Жаноб Ким У Жун Ўзбекистон телевидениеси мухбирининг саволига жавоб қайтарар экан, жумладан, шундай деди: Президент Ислом Каримовнинг бизнинг ватанимизга ташрифи чоғида у билан суҳбатлашганим мен учун бахтли тасодиф бўлди. Ана шу танишув натижаси ўлароқ, бугун сиз кўриб турган улкан ишларга тамал тоши қўйилди. Бугунги кунда Ўзбекистон собиқ Иттифоқ республикалари орасида ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан энг барқарор давлатга айланди. Биз ҳамкорликда чиқараётган машиналар, уйлайманки, Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётида яна бир муҳим омил бўлади.

Ўзбекистон телевидениеси мухбири Ким Ток Ленг жанобларига Ўзбекистон сизда қандай таассурот қолдирди, дея савол берди. Мен Тошкентга бундан 7 йил бурун келган эдим. Бу гал мамлакатингизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдим. Ўзбекистон Ислом Каримов етакчилигида келажак сари тўғри йўлдан дадил одимламоқда. Менда Президентингизнинг сиёсий зукколиги, иқтисодий масалаларда келажакни олдиндан кўра билиши, айниқса, ўзбек халқининг куч-қудрати, меҳнатсеварлиги катта ишонч ва ҳурмат уйғотди. Ана шу омилларнинг натижаси бўлмиш «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси билан сизлар қатори мен ҳам чин юракдан фахрланаман.

Матбуот конференциясида журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтарилди.

...Биз автомобиль заводининг тайёр маҳсулотлар майдончасини кўздан кечирдик. Бу ерда турган қатор-қатор машиналарни кўриб кўз қувонади. Улар ҳадемай республикамизда ва хорижий мамлакатларда бунёд этилган салобатли автосалонлар сари йўл олади. Хуллас, ўзимизда ишлаб чиқарилган ранг-баранг енгил машиналар юртимизни обод қиладиган кунларга етиб келдик. Ана шу кун барчамизга муборак бўлсин!

Тақдимот маросимида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Ўзбекистон Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков, Бош вазир ўринбосарлари Д. Ғуломова, В. Чжен, М. Усмонов, ташқи ишлар вазири А. Комилов қатнашди.

Аҳмад ХЎЖА,
ЎзА махсус мухбири.

Қимматбаҳо қоғозлар бозори

«АКЦИЯЛАР — НАҚД БОЙЛИК»

— дейди Сирдарё вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси бошлиғи, вилоят ҳокими ўринбосари Фатхиддин ҚУТБИДДИНОВ.

— Фатхиддин Қутбиддинович, қимматбаҳо қоғозлар — акцияларга бўлаётган катта эътибор моҳиятини қандай таърифлайсиз?

— Ўтган даврни таҳлил қилиш мулкчилик шаклларидан — акционерлик жамиятлари энг ривожланган қулай мулкчилик шакли эканлигини кўрсатди.

Акционерлик жамиятларининг қимматли қоғозлари муомалага тез кириб келди. Акцияларни сотиш бозорини шакллантириш ҳам жадаллик билан амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда вилоятимизда қимматли қоғозлар бозорининг деярли барча инфраструктураси мавжуд. Яъни Тошкент фонд, Миллий депозитарий филиаллари, «Сирдарёинвест» компанияси ва брокерлик идоралари фаолият кўрсатяпти. Ана шу тузилмаларнинг барпо этилганлигининг ўзи қимматли қоғозларга бўлган эътиборнинг натижасидир.

— Энди вилоятдаги акционерлик жамиятларидаги бугунги вазият ҳақида гапириб берсангиз.

— Вилоятимиздаги акционерлик жамиятларининг сони бугунги кунга келиб 186 тадан ошиб кетди. Шубҳасиз, яқин орада бу жамиятлар вилоятимиз иқтисодининг негизини ташкил этади, дея олиш мумкин.

Вилоятдаги кўчмас мулк ва қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантириш, кенгайтириш ва фаолиятини жонлантириш борасидаги бугунги ишларга назар ташлайдиган бўлсак, жумладан унда ҳозирга келиб қуйидаги манзарани кўрамиз. 158 та ҳиссадорлик жамияти депозитариясидан рўйхатдан ўтишиб, 369,2 миллион сўмлик акция чиқардилар. Вилоятнинг 108 та акционерлик жамияти эса 42,85 миллион сўмлик акцияларни «Тошкент» республика биржасига сотишга қўйди. 69 та акционерлик жамиятининг ҳозирга қадар 70,8 миллион сўмлик акцияси фонд биржаларида эркин савдода сотилди.

— Акционерларнинг кўпайиб бораётгани яхши, албатта. Лекин уларнинг бу янгиликка келгусидаги муносабатлари тўғрисида гапирсангиз.

— Халқимизда «Юзта «сиз-биз»дан — битта «жиз-биз» яхши деган ажойиб нақл бор. Ростдан ҳам бугун одамлар қимматли қоғозлар бозори, унинг аҳамияти ва моҳиятини қанчалик чуқур билиб олсалар, ортиқча ташвиқотга ўрин қолмайди. Бу борада вилоятимиздаги акционерлик жамиятларида пайдо бўлаётган ижобий тажрибалар эътиборга лойиқ.

— Чет эллик сармоядорларни қизиқтириш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Вилоятимиз ишбилармонлари республикамизда биринчилардан бўлиб чет эллик шериклар билан ҳамкорлик қила бошладилар. Олти йилдан бери фаолият кўрсатаётган Оқолтин туманидаги «Каррера»нинг вилоятимиздаги шохобчаси бунга мисолдир. Ҳозирги кунга келиб чет эл капитали билан фаолият кўрсатаётган 11 та қўшма корхона рўйхатга олинган. «Сирдарё», «Лочин», «Алтайсервис», «Ўзросавтокран», «Рубин» сингари қўшма корхоналарнинг фаолияти икки томонлама фойдали бўлаётганини қайд этиб ўтиш ҳам ўринли. Вилоятимизда «Бизнесфонд» билан ҳамкорликда Германиядаги шериклар билан тадбиркорлар мактабини очаётирмиз. Бу эса чет эллик шериклар билан алоқани янада жонлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

— Ана шу ишларни янада жадал ривожлантириш учун нима қилмоқ керак, деб ўйлайсиз?

— Энг аввало, чет эллик инвесторларнинг вилоятимиз акционерлик жамиятларининг акцияларини сотиб олиш жараёнини осонлаштириш чораларини ўйлаб кўряпмиз.

Чет эллик сармоядорларда Ўзбекистон вилоятларидаги шериклари ҳақида маълумотлар етарли бўлса, иккинчи томондан ўзбекистонлик ишбилармонларда ҳам чет давлатлардаги ускуналар қиймати, бошқа асосий зарур хусусиятлар ҳақидаги маълумотлар етарли бўлса, алоқани тезроқ боғлаш имконияти туғилади. Бу йўлда матбуот органлари ҳам кўп хайрли ишлар қилишлари мумкин.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Париждан хушхабар

ЎЗБЕК ВЕЛОПОЙГАЧИСИ СПОРТ ОЛАМИНИ ЯНА ҲАЙРАТГА СОЛМОҚДА

Ўзбекистонлик велосипедчи Жамолиддин Абдужабборов дунёда энг нуфузли «Тур Де Франс» велопойгасида иштирок этиб, мусобақанинг 13-босқичини ғалаба билан якунлади. Голландия, Бельгия, Италия, Испания ва Франция ҳудуди бўйлаб давом этадиган мазкур велопойга 83-марта ўтказилмоқда. Мусобақа 21 босқичдан иборат бўлиб, Парижнинг марказидаги Елисей майдонида ниҳоясига етади.

Ҳар бир босқичда қўлга киритилган ғалаба велопойгачининг ҳаётида унутилмас воқеа ҳисобланади. Бироқ 14 июль—Бастилиянинг забт этилган куни ўтказиладиган велопойга босқичида эришилган ғалаба жуда юқори баҳоланади. Бу куни бутун францияликлар ўз миллий байрамини нишонлайди. Одатда «Тур Де Франс» мусобақасининг бу босқичида француздар голиб чиқишарди. Аммо ҳамюртимиз бу анъанани бузди.

Пойгада Жамолиддин мусобақанинг энг сўнгги, ҳал қилувчи босқичида зафар қучди.

Франциядаги кўпгина газеталарда Жамолиддин Абдужабборовнинг сурати босилиб чиқди, у ҳақда мақолалар эълон қилинди. «Ж. Абдужабборов велосипедда жуда жиддий кўринса-да, ҳаётда жуда кўнгли очиқ», — деб ёзади «Либерасьон» газетаси.

Парижда нашр қилинадиган Американинг машҳур «Интернейшнл Гералд Трибюн» газетаси ўз шарҳловчиси Самоэл Абтнинг «Бастилия забт этилган куни ўзбек спортчиси навбатдаги велопойга босқичида ғалаба қозонди. Французлар унинг учқур велосипеди чангида қолиб кетди» сарлавҳали мақоласини эълон қилди.

«Кўп йиллар мобайнида «Тур Де Франс» мусобақасининг бир қанча босқичларида ғалаба қозонган ва икки марта яшил майка соҳиби бўлган Абдужабборов маррага тўрт спортчи ҳамроҳлигида етиб келди. Улардан иккитаси икки чақирим масофа давомида унинг чангини ютиб келишга мажбур бўлган француз велопойгачилари эди. У Италиянинг «Полти» командаси аъзоси Мирко Гвалдидан 7 сония ўзиб кетиш учун ўзида куч топа билди».

(ЎзА).







ДОННИ ЙИҚҚАН ДОНОДИР. (Яккабоғ туманидаги «Шарқ юлдузи» ширкатлар уюшмаси ғаллазорларида).

Муҳаммад АМИН олган суратлар.



ИШСИЗЛИК НАФАҚАСИ ОЗАЯДИМИ?

Америка Қўшма Штатларида ишсизлар учун нафақа миқдори озаядиган кўринади. Чунки демократларнинг ҳукуматдаги либерализми давлат бюджетининг ҳаракатини чегараламоқда. Республикачиларнинг консерватизми эса бунга қаршидир.

ТАЙСОН РИНГГА ҚАЙТАДИ

Жаҳонга машҳур спортчи Майк Тайсоннинг иш юритувчисининг айтишича ўта оғир вазндаги жаҳон биринчилиги учун бўладиган Бутундунё бокс иттифоқи ўтказадиган мусобақада Майк Тайсоннинг рақиби Брюс Селдон билан бўладиган кураш 7 сентябрга қолдирилади.

Дастлаб, шу йилнинг 13 июль кунига белгиланган ушбу мусобақа Тайсон бронхит билан оғриб қолгани сабабли кечиктирилди. Бутун дунё бокс кенгаши маълумотига кўра, шу йилнинг мартида Тайсон инглиз Фрэнк Брунони учинчи раундда нокаут билан мағлуб этгани ҳисобга олинмайди. Суд хулосасича, бу унвон учун инглиз Леннокс Льюис курашишга ҳақлидир. Тайсон айнан Льюис билан учрашиши керак.

Селдон билан бўладиган кураш ўтган йилнинг мартида қамоқдан озод бўлган Тайсоннинг тўртинчи спорт учрашувидир. Ўттиз ёшли Тайсон шу пайтга қадар 45 марта жанговар кураш ўтказди. Шундан 44 учрашувни ғалаба билан якунлади. Биттасини эса бой берди. Селдон эса ўз рақибидан бир ёшга кичик. Унинг ҳисобида 33 ғалаба ва бир мағлубият бор. Ўтган йилнинг 19 августида бўлиб ўтган Джо Хиппи билан яккама-якка жангдан сўнг Селдон биринчи марта рингга чиқади. У Джо Хиппини ҳам мағлубиятга учратган эди. Ўтган йилнинг 8 апрелида Брюс Селдон Тони Танкерни мағлубиятга учратиб, ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони бўлган эди.

Майк Тайсон ва Брюс Селдон ўртасидаги яккама-якка кураш 12 рауддан иборат бўлиб, у Лас-Вегасдаги «Грант Ҳотел»да ўтади. Ушбу томошагоҳ 16 минг томошабинни ўз бағрига сиғдира олади.

ЖУРНАЛИСТЛАРДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШМОҚДА?

АҚШ Марказий қидирув бошқармаси журналистлардан жосус сифатида фойдаланишни тақиқламоқчи эмас. Бу ҳақда Сенатнинг ахборотлар қўмитасида кўпчилик демократлар орасида муҳокама бўлиб ўтди. Бир неча кўзга кўринган журналистлар матбуот ходимларидан жосус сифатида фойдаланилишига қаршидирлар. Бироқ қонун намоёндалари бу таклифга қарши эмас. Айни пайтдаги мавжуд қонунларга кўра, Марказий қидирув бошқармаси журналистларни ўз фаолият доирасига жалб қилмоқчи эмас.

(ЮСИА ахборот агентлиги).

Эҳтиром

МАЪРИФАТ ДАРҒАСИ

Мен доимо маърифат фидойилари ҳақида ўйлаганимда биринчилардан бўлиб Йўлдош Абдуллаев номини тилга олгим келади. Негаки, бу инсон билан ҳамкорликда нашр қилинган 5-9-синфлар «Она тили» дарсликларини қарийб қирқ йилдирки, Ўзбекистондек йирик мамлакат тасарруфидаги мактаб ўқувчилари меҳр билан мутолаа қилиб, тил ҳақида керакли билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар. У кишининг илмий фаолияти билан боғлиқ бу лавҳа унинг илмфан, маърифат соҳасида қўлга киритган ютуқларининг бир шингили холос.

Унинг ўзбек тили методикаси бўйи-бастини тиклашдаги, айниқса ўзбек мактаблари тарихи, она тили ўқитиш методикаси илмини юксалтириш борасидаги хизматлари шунчалик кўпки, ҳар бирининг тадрижий ўз яратилиш тарихи бор. Лекин ҳайратли томони, катта ҳаёт, ижод йўлини босиб ўтган олимнинг қалбида тил ва адабиёт илмига бўлган меҳр-муҳаббат қачон, қай йўсинда кўз очган, унинг раҳнамоси ким бўлган деган савол туғилади. Жавобни Йўлдош Абдуллаев ҳаёт йўлининг болалик кунлари билан боғлиқ лавҳалардан топиш мумкин. Ўзининг хотирлашларича, ёшликда илм-фанга, айниқса она тили ва адабиёт фанига ўта иштиёқманд бўлган. Бу ҳавас катта акаси Аҳмад Йўлдошевдан юққан. У тил ва адабиёт фани ўқитувчиси, жонкуяр маорифчи бўлган. Оиладаги соғлом муҳит, маънавий барқарорлик Йўлдош ака қалбида учқунлаган она тили ва адабиёти илмига бўлган муҳаббатининг алангаланишида туртки бўлган десак янглишмаймиз.

Мактабни тамомлагач, 1940 йилда Тошкент ўқитувчилар институтининг тил ва адабиёт бўлимида таҳсил олди. Бу ерда ўз даврининг етук олимлари бўлган Аюб Ғуломов, Халил Қаюмов, Теша Салимов, Фаттоҳ Абдуллаев сингари домлалар сабоқ беришарди. 1944-46 йилларда эса Ўрта Осиё Давлат дорилфунунининг филология факультетини тугатиб, аспирантурада ўқишни давом эттирди. Сўнг ўқитувчилик фаолиятини қишлоқ мактабида бошлади. Содда ва самимиятли қишлоқ болаларига ихтисослиги бўйича дарс берар экан, амалдаги дастур ва дарсликларнинг мазмунига қизиқиш уйғотиб, уни такомиллаштириш нияти туғилди. Бу эса бошланғич синфлар учун «Ўқиш китоби»нинг яратилишига асос бўлди. Йўлдош Абдуллаев қалбида кўз очган бу илк ҳавас уни чиққанлиги ва мактаб ҳужжатларини чуқур таҳлил қилиши натижасида 1962 йилда «Эски ўзбек мактабларида хат-савод ўрганиш» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Йўлдош Абдуллаев кўп қирралли олим. Унинг 1959 йилдан то бугунги даврга қадар босиб ўтган ижодий йўли бу фикрнинг нечоғлик тўғри эканлигидан дарак беради. У эски ўзбек мактаблари тарихини биринчи бўлиб ёритиб берган педагог олимдир. «Она тили ва бошланғич таълим» соҳаси бўйича йирик мутахассис бўлиш билан бирга адабиёт илмининг ҳам жонкуяр билимдони. Унинг боиси, у араб ва лотин графикаси, тили билан боғлиқ ёзма манбаларни бемалол, ҳатто уларни таржима қила олиш салоҳиятига эга. Шунинг учун бўлса керак, чанг босиб ётган, янгилик сифатида ҳали халққа етиб бормаган кашфиётлар Йўлдош ака номи билан кенг жамоатчилика маълум бўлаётир. У киши таниқли тилшунос, педагог олимгина эмас, маънавий қадриятларимизни тиклаётган, унинг асл манбаларини илмий жамоатчилик орасига ёяётган жонкуяр тарғиботчи ҳамдир. Шунингдек унинг зиммасида миллатнинг тили, дини, янгича дунёқараш асосида шаклланаётган болаларимизнинг миллий ғурури, ҳис-туйғуси, дилини, яъни маънавиятини шакллантириш, уларнинг ялпи саводхонлигини таъминлашдек давлат аҳамиятига молик, ўта масъулиятли вазифалар турибди. Буларни ўзининг тилшунос олим сифатидаги бурчи деб билган домла «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий қилиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилингач, (1993 йил) уни ҳаётга татбиқ қилишга биринчилардан бўлиб киришди. Бунинг натижаси ўлароқ, лотин графикасидаги ўзбек алифбоси дастур ва дарсликлари яратилди.


Бундан ташқари Йўлдош Абдуллаев муҳаррирлигида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига мўлжаллаб бошланғич ва юқори синфлар учун яратилган дастур, дарслик, методик қўлланмалар ва имло саводхонлиги билан боғлиқ китоблар ҳам чоп этилди. Йўлдош ака кўплаб шогирдлар етиштирган. У кишининг издошлари бугунги кунда мустақил Ўзбекистоннинг тили, дини, адабиёти ва санъатини, миллий қадриятларини жаҳон маданияти даражасига кўтариш учун хизмат қилаётир.

Хуллас, Йўлдош Абдуллаев бутун умрини илм-фанга, хусусан, педагогика фанини юксалтиришга сарфлаётган, бошланғич таълим ва она тили таълими методикасининг илмий-педагогик асосларини белгилаб бераётган ва шу асосда қатор дастур ва дарсликлар ҳамда қўлланмалар яратиб, ярим аср давомида Ўзбекистон болаларини камолот чўққилари сари етаклаб келаётган маърифат дарғаларидан биридир.

Барот ЯРАШЕВ,
Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими.

ҚИЗ ЧИҚАРГАН ОТА

Ўзбекистонда «Темир хотин»нинг қисматидан воқиф бўлмаган, «Тақдир эшиги»дан мўралаб, «Эски шаҳар гаврошлари» билан тиллашмаган ёки «Шариф — Маъриф»ни томоша қилиб ҳузур қилмаган шахс топилмаса керак. Бугунги суҳбатдошимиз ўша гўзал асарларнинг муаллифи, драматург ва режиссёр Шароф БОШБЕКОВ.



— Шароф ака, ижодкор одам энг аввало ўзидан қониқмайди ва ҳамиша унга нимадир етишмайди. Ишлашингиз учун сизга асосан нималар керак?

— Ишлашим учун менга асосан учта нарса керак. Биринчиси: саломатлигим керак, иккинчиси, қорним тўқ бўлиши шарт, учинчиси: хотиржам бўлишим зарур. Лекин буларнинг ҳар учаласига бир вақтнинг ўзида ҳар доим ҳам эришолмайсиз. Шунга қарамасдан мен буни табиий деб қабул қиламан. Ижодимдаги турғунлик, сиқиқлик ва ишим юришмаслигининг сабабларини кўпинча ўзимдан қидираман. Чунки ижодий жараёнга ташқаридан куч таъсир қилишига ишонмайман, ҳаммаси ўзимга боғлиқ деб ўйлайман. Менинг назаримда, илҳом, ижодий кўтаринкилик ташқаридан ҳадя қилинмайди ва тортиб ҳам олинмайди. Шунинг учун илҳом келди ёки илҳом келмади деган гапларга қандайдир истеҳзо билан қарайман. Билмадим, мен ўзимнинг руҳимни, ўзимнинг танамни, ўзимнинг тафаккуримни бошқара оламан деб ўйлайман. «Кимдир ташқаридан келиб кайфиятимни бузиб кетди, бўлди, энди мен ишлолмайман» деган гапларга унчалик жиддий қаролмайман. Менга бундай бўлиши мумкин эмасдек туюлади.

— Унда сиз ниҳоятда иродали одам экансиз-да!

— Ким билади, ҳар ҳолда шунга интиламан. Мучалим — йўлбарс, юлдузим — тоғ эчкиси.

— Машҳурлик ижодкорга халақит бериши мумкинми?

— Йўқ. Нега энди халақит беради! Мен одам шон-шуҳратга интилмаслиги керак деган фикрларга мутлақо қўшилмайман. Бу жуда ёқимли нарса. Атрофингиздаги одамларнинг сизга бўлган ижобий муносабати кимгадир жабр бермаса, кимнидир қийнаб қўймаса, бунинг ҳеч ёмон томони йўқ. Мен ким бўлганимда ҳам, яқинларим на жисмонан, на руҳан азоб чекмаслиги, менинг нафратим ёки севгим оқибатида кимлардир қийналмаслиги керак. Муҳими — шу. Мен туфайли кимдир жабр кўраяптими — демак мен нотўғри яшаяпман. Шу жиҳатдан қараганда, шуҳратнинг ва уни яхши кўришнинг айби йўқ.

— Шароф ака, «Темир хотин»дек такрорланмас асарни яратолган ижодкорсиз. Демак, темир хотинларни кўргансиз. Нима деб ўйлайсиз, ҳаётда темир эркаклар ҳам бормикин ёки бу иборани эркакларга нисбатан қўллаш ноўринроқми?

— Биласизми, мен барибир фидойилик масаласида аёлларга тан бераман. Энг одил жамиятда ҳам, хоҳлаймизми — йўқми, турмушнинг 80 фоиз ташвиши аёлларнинг елкасида бўлади. Ҳозир ҳам шундай, бундан кейин ҳам шундайлигича қолади. Ҳатто энг ибтидоий саналган тош асрларда ҳам аёл киши ҳеч оёғини узатиб ётмаган-да! Сиз айтган темир эркак масаласига келсак, ҳозирча бу масала мени қийнамаяпти.

— «Темир эркак» деб номланган кинокомедияни кўпчилик кўрган. Шу фильмга ва унинг номланишига ижодкор сифатида муносабатингиз қанақа?

